

QORAKO'L SADOSI

Халқ депутатлари Қорақул туман Кенгаши ва туман ҳокимлиги газетаси

2022 йил

17 МАЙ

СЕШАНБА

№ 9

(7491)

1931 йил
14 октябрдан чиқа
бошлаган

ҒАЛЛАЧИЛИКДАГИ ЯНГИ ИСЛОҲОТЛАР

Жорий йилнинг 11 май куни Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида дон маҳсулотлари корхоналарида трансформация жараёнларининг натижадорлигини ошириш чора-тадбирларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ғаллачиликдаги ислохотларни кучайтириш, дон етиштиришни кўпайтириш, фермерларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалалари кўриб чиқилди ҳамда қатор вазифалар белгилаб олинди. Жумладан, давлатимиз раҳбари тармоқда бозор механизмларини тўлиқ жорий этиш зарурлигини таъкидладилар. –1 июндан бошлаб, ғаллани давлат томонидан сотиб олиш ва сотишда бозор нархларига ўтилади. Фермер ва кластрлар ўзларини етиштирган ғалласини биржа савдоларига олиб чиқишлари учун ҳам барча имкониятлар яратилади, – деди Президент.

Бунда, энг аввало, давлат ресурслари учун сотиб олинган 1 тонна буғдой нархи ўтган йилдаги 1 миллион 550 минг сўмдан жорий йил ҳосили учун 3 миллион сўмга, яъни 2 бараварга оширилиши маълум қилинди. Қишлоқ хўжалиги жамғармаси харид қилган 1 миллион 783 минг тонна буғдой эҳтиёжга қараб ойма-ой биржага чиқарилади. Бунда июль-август ойларида биржада шаклланган ўртача нархлардан келиб чиқиб, фермерларга ўртадаги ижобий фарқ ҳам тўлаб берилади. Мисол учун, август ойида 1 тонна ғалланинг биржа нархи 3,5 миллион сўм бўлса, фермерга яна 500 минг сўм тўлаб берилади. Бу мақсадларга жорий йилда давлатдан 6 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилади.

Бундан ташқари: – фермерлар ихтиёрида қоладиган буғдойдан 500 минг тоннаси дон корхоналарида вақтинча сақлаш учун қабул қилинади ва 1 июлдан бошлаб илк бора фермер ва кластрларнинг ўзлари биржа савдоларига бозор нархида чиқаради; – 500 минг тонна буғдойнинг дон корхоналарида вақтинча сақлаш харажатларини давлат ўз зиммасига олади ва бунга 100 миллиард сўм ажратилади.

Агар фермер ва кластрлар томонидан етиштирган ортиқча ғалласини сотиш истаси бўлса, давлат ва хусусий дон корхоналарига шартнома асосида келишилган нархларда сотади.

“Барча ҳокимлар бир нарсани аниқ тушуниб олиши зарур. Нима учун биз фермерни биржага олиб чиқаяп-

миз? Фермер биржага чиқиб, ўзи ғалласини мустақил сотса, унинг даромади ошади, ўз меҳнати натижасидан рози бўлади.

Келгусида давлат захирасига харид қилинадиган ғалла ҳам фақат биржадан сотиб олинади”, – деди Президент йиғилишда.

Жорий йил жами ғалла ҳосили учун 7,6 триллион сўм ажратилади. Янги тизимни тўлақонли, адолатли ва очиқ-ошкора ишлаб кетиши, ҳар бир сўм фермер ва кластерга ўз вақтида, тўлиқ етиб бориши, нарх-навони ўсиши ва тақчилликни олдини олиш бўйича “кунбай” назорат тизими жорий қилинади.

«Ҳокимлар бир нарсани аниқ тушуниб олишлари зарур. Буғдойнинг ҳақиқий эгаси бу – фермер ва кластрлар. Шунинг учун, бундан буён туманда режа бажарилмаяпти, чорва, парранда ёки ба-лиқчиликка озуқа – ем керак деган фажрлар билан фермерлар ғалласини олиб қўйиш қатъиян таъқиқланади. Марҳамат – қайси ҳудуддаги корхона биржада ютиб олса, ҳеч қандай тўсиқларсиз ғаллани олиб кетиши мумкин» деди Президент.

Бундан буён, «Ўздонмахсулот» корхоналари ҳам, хусусий корхоналар ҳам ун ишлаб чиқаришга буғдойни биржа орқали бозор нархида сотиб олиши белгиланди.

Шунингдек, кластер томонидан ғалла экиш учун янги ер майдонларини ўзлаштириш бўйича Бухоро тажрибасини барча ҳудудларда жорий қилиб, ғалла майдонларини кенгайтириш ва ҳосилдорликни ошириш чораларини кўриш вазифаси қўйилди.



26 май куни тумандошимиз таниқли
шоир Тилақ Жўра таваллудига
75 йил тўлади

«Оҳанглар оғушида қолажак менинг умрим»

Тилақ Жўра – 1947 йилда туманимизнинг Қуйи Жанапар қишлоғида туғилган. Сайётдаги ҳозирги 5-умумий ўрта таълим мактабини битирган.

Тошкент давлат дорулфунунини журналистика факультетини тугатиб, умрининг охиригача шу илм даргоҳида ёшларга сабоқ берган. Шоирнинг «Райҳон» (1977), «Олам остонаси» (1981), «Юлдузлар табассуми», «Чорраҳадаги уй» (1983), «Сандувоч» (1988) китоблари чоп этилган.

Филология фанлари номзоди, олим, таржумон 1994 йили вафот этди.

ШЕЪРИЯТ

(Ғайбулла Саломовга)

– Оҳанглар оғушида қолажак менинг умрим,
Гўзаллик товушида қолажак менинг умрим.
Умримни куйга ўраб, нурга ўраб яратдим,
Шу қуёш шуъласида ёнажак менинг умрим.

Мен умид дунёсининг самандар шайдосиман,
Нек ниятли одамнинг қалбдаги садосиман.
Бошимни тошга уриб, дилни гулга ўрадим,
Бу кўҳна дунёнинг мен туби йўқ дарёсиман.

Хўп сирли дарёдирман, беҳисоб тугёним бор,
Дард деган армоним бор, орзудай дармоним бор.
Жисмимни қорга кўмиб, дилларда ўт ёқаман,
Гоҳида сурониму, гоҳида қурбоним бор.

Оҳ, мени наки кўкка, наки ерга қўйдилар,
На жоним, на қонимдан, на ўзимдан тўйдилар.
Рўдакий эрдим, охир кўзларимни ўйдилар,
Насимий эрдим, охир товонимдан сўйдилар.

Машраб бўлдим, ўлмадим, кўтардим ўтли исён,
Ҳансираган ҳисларга ёлғиз соҳиб султон.
Қоним-ла бўясам-да манов икки дунёни,
Ҳамон қонга тўймайди, ё, Раб, бу ёруғ жаҳон.

Неча бора туғилдим, неча бора ўлдим мен,
Умид бўлиб қулдим-у, армон бўлиб сўлдим мен.
Буни ҳар банда билар, билар буни пайгамбар,
Энг сара асарларда имон бўлиб келдим мен.

Мен илк бора чўғ бўлиб қадаларман юракка,
Юракдан қувват олиб, кундай чиққум фалакка.
Кимки менга дил бермай чўзар бўлса қўлини,
Икки дунё етолмас кўнгилдаги тилакка.

Туйгуларим туғёни заранг тошларни ёрди,
Орзуларим сурони не-не бошларни ёрди.
Аввал-бошда туғилди юрагимда инқилоб,
Тақдир менинг лойимни қуёш нурига қорди.

Оҳанглар оғушида қолажак менинг умрим,
Гўзаллик товушида қолажак менинг умрим,
Умримни куйга ўраб, нурга ўраб яратдим,
Шу қуёш шуъласида қолажак менинг умрим.

ШОИР ХОНАДОНИГА ТАШРИФ

26 майда тумандошимиз таниқли шоир Тилақ Жўра таваллудининг 75 йиллиги нишонланади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси девонинг масъул ходими Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси Олим Назаров адабиёт ва ижоднинг чинакам тарғиботчиларидан саналади. Ижодкор Т. Жўрани яқиндан биладиган, ижодини юксак баҳолайдиган қаламкашлардан бири. У халқимизнинг сеvimли шоири билан туғилган ака-укалардек яқин, қўшни яшаган ижодда ҳамфикр бўлган.

Куни кеча О. Назаров тумани ҳокими Хуршид Тохиров билан биргаликда Тилақ Жўра-



нинг ижод масканига ташриф буюрди. Шоирнинг аёли Қумуш момо билан дилдан суҳбат қурилиб, унинг мероси – таржима, кўлөзма шеърлари, газеталарда чоп этилган мақолалари кўздан кечирилди. Хотира ва кадрлаш кунла-

ридаги бундай ташриф шубҳасиз, халқимизга хос меҳроқибат ва инсонийликнинг амалдаги кўринишидир. Оила аъзолари эса, кўрсатилган эътибордан беҳад мамнун бўлдилар.

Р. МУХТОРОВ.

Дарҳақиқат одамлар ҳам-
шираларга кўпроқ ишонади-
лар ва таянадилар. Чунки
улар соғлигимиз учун энг
кўп заҳмат чекадиган ва жон
фидо қиладиган касб эгала-

Отабек КАТТАЕВ.

Даврон АЗИМОВ,
туман статистика бўлими бошлиғи.

**Хурматли тадбиркор ва фермер хўжалиги раҳбарлари
2022 йил бўйича ойлик, чорақлик давлат статистика
ҳисоботини тақдим этишни унутманг!**

**«Эндигина туғилган чақалоқнинг
оғзига латта тиқиб ўлдирган».
Бухорода 27 ёшли аёл фарзанди
қотилига айланди**

«Шу куни, тахминан, соат 13:00 да аёлни тўлғоқ тутиб, орадан чамаси бир соатлар ўтиб, у хонадоннинг ювиниш хонасида ўғил фарзандини дунёга келтирган. Она боласи никоҳсиз ва яширин равишда туғилгани учун чақалоқнинг оғзига латта тики- ки, унинг ўша ондаёқ ва- фот этишига сабабчи бўлган.

Аёлга нисбатан Жиноят кодексининг 99-моддаси 1-қисми (онанинг ўз фарзандини қасддан ўлдирishi) билан жиноят иши қўзғатилиб, аёл қўлга олинган. Ҳолат юзасидан дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Висцерал лейшманиозиди эса касаллик манбаи: итлар, чиябўри, тулқилар. Касаллик кўзгатувчиси ҳисобланган лейшманияларни ташувчилари : майда ҳашаротлар бўлиб, касал одам-

Кураш асосан касаллик манбаига қаратилади. Зооноз формасида ёввойи кеммирувчиларни қириш уюштирилади. Тадбир аҳоли

Одамларни зараркунанда чақишидан ҳимоя қилиш мақсадида уйлар деразала-рига, эшикларига тур пар-далар тақилиб, исириқ ту-тунидан, пашшахона ва ҳашаротларни чўчитувчи реппентлардан фойдала-нилади.

Э. ХҰЖАҚУЛОВА,
паразитолог врач.

Рамазон ЭШОНОВ.

Мусобақа Ўзбекистон Футбол Ассоциацияси ўйин қоидаларига мувофиқ ташкил этилиб, иштирокчилар даст-

Олим ТАНГРИЕВ

Газета 2015 йил 7 августда
№05-070 раками билан вилоят
матбуот ва ахборот агентлиги
■ томонидан рўйхатга олинган.

Газета «Қорақул садоси» таҳририяти
компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди.

«Бухоро вилоят
босмахонаси» МЧЖда
чоп этилди.
Тел: (065) 223-25-38.

Топширилди: 14-00